




XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоши-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди



Банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 376 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, унинг 167,7 млрд. сўми хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди




Терроризм таҳдидини бартараф этишда амалий ҳаракатларнинг самараси кўп жиҳатдан жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ишончига боғлиқдир

2011 йил 4 август, пайшанба
31 (403)-сон,
E-mail: axborotXlas@yahoo.com

3 КОНЦЕПЦИЯ

6 ИҚТИСОДИЁТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



ОЛИЙ МАЖЛИС
КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING
АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИДА
ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА
САВДО ВАЗИРЛИГИ,
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
ҲАМДА САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИНING
«КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ,
ЖУМЛАДАН, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
ТОМОНИДАН ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ТАШКИ БОЗОРЛАРДА СОТИШ УЧУН
СЕРТИФИКАТ ВА РУХСАТНОМАЛАР
ОЛИШГА ОИД ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШИ
ҲАКИДАГИ АХБОРОТЛАРИ»
ЮЗАСИДАН ПАРЛАМЕНТ
ЭШИТУВИ ЎТҚАЗИЛДИ

Парламент эшитувида экспорт масалалари муҳокама қилинди

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» да илгари сурилган гоё ва ташаббуслар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди

Зеро, дастурий ҳужжатда айнан бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаш,

ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин таққулаш ҳамда бу борада тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш долзарб вазифа этиб белгилаб берилди. Аграр ва сув хўжалиги ма-

салалари кўмитаси раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi рақобатбардошлигини ошириш ва маъқулни мустақамлаш бевосита маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳияти билан боғлиқдир. Концепцияда

кўзда тутилган ташаббуслар эса махсулотларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш ҳамда иқтисодий интеграциялашувини тезлаштиришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

2 >>

Реал натижалар бош мезонга айланмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда

О'zLiDePнинг 2011 йилнинг ўтган давридаги фаолиятини таҳлил этсак, унда асосий эътибор ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолатига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини такомил-

лаштириш, банк, солиқ ва бошқона идоралари билан ҳамкорликда улар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратишга қаратилганининг гувоҳи бўламиз. Хўш, жорий йилнинг олти ойида партия фаоллари, де-

путатлар ва депутатлик гуруҳлари ҳамда электрот вакиллари томонидан бу борада қандай натижаларга эришилди? Давлат дастурлари ва йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан жойларда амалга оширилган ишлар-

ни бугунги кун талаблари даражасида дейиш мумкинми? «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатда ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

2 >>



Равил СОБИРЖОНОВ, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Энг аввало, 2011 йилнинг ўтган даврида О'zLiDeP фракцияси фаолияти Юртбошимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузаларида белгилаб берилган устувор вазибалар ижросига қаратилганини таъкидлаш жоиз. Чунки айнан ана шу дастуриламал аҳамиятга молик ҳужжатлар парламент ва албатта, фракциямиз фаолиятини бутунлай янги босқичга олиб чиқиш имконини берди. Хусусан, Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Тугатишга доир иш юритишнинг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатларини тезлаштириш юзасидан «Банкротлик тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларида биз электротартиминг аъзоларининг қонуний манфаатларини акс эттиришга ҳаракат қилдик.

2 >>



Ҳамюртимиз — китъада тенгсиз!

Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бодибилдинг бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Антон Перов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўзбекистон бодибилдинг ва фитнес федерациясидан маълум қилишларича, китъамизнинг йигирмадан зиёд давлатидан энг сара паҳлавонлар иштирок этган ушбу мусобақада Антон энг оғир вази тоифасида қатнашган. Мусобаканинг саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган спортчимиз финалда Эрон, Жанубий Корея ва Хитой Тайпей атлетлари билан баҳслашди. Унинг чиқишлари юқори баҳоланиб, Осиё чемпионатининг олтин медалига лойиқ топилди. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга қаратилган эътибор самарасида бодибилдинг ҳам жадал ривожланиб, ёшлар ўртасида тобора оммалашмоқда.

Ёшлар фаоллигини ошириш йўлида

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ташкилотнинг туман ва шаҳар бўлиmlари ҳисобот конференциялари якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Фаниев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодини баркамол шахслар этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фаол иштирок этмоқда. Ташкилот томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга йўналтирилган қатор муҳим лойиҳалар ҳаётга изчил таъбиқ этилмоқда. Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. (ЎЗА)



Истиқлол неъматини

Одатда деҳқон бир йилда икки марта том маънода қувонади: биринчи бор — экинни ердан униб чиққанда, иккинчиси — ҳосилни йиғиштириб олгач юзи ёруғ бўлганда. Мен эса Президентимизнинг Ўзбекистон галлакорларига йўлаган табрикларидан фермер хўжалигимиз номи тилга олинганида учинчи марта ҳаяжонга тушдим

Нигмон САЛИМСОҚОВ,
Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Шуҳрат Зиё» фермер хўжалиги раҳбари:

Очиги, галла омборларига тўқилган 6 миллион 800 миң тонналик хирмонга оз бўлса-да ҳисса қўшганимдан фахрландим. Албатта, бу муваффақият Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасидир. Эътироф этиш керакики, бу мавсумда галла ундирини кўпчилик деҳқонлар учун осон кечмади. Фермер хўжалигимиз галла ва сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, 104 гектарлик майдонда экин-тикин қилади. Шунинг 97,5 гектари сугориладиган ерлар. Бу йилги мавсумда 43,4 гектар майдонга уруғ қададик. Куз ва баҳорда ёғингарчилик кам бўлгани боис ернинг намлиги кескин тушиб кетди. Бир амаллаб кўкартириб олганимизда, ҳавонинг иссиб кетиши экинни бироз қийнаб қўйди. Ҳаммасидан ҳам етилмаган доннинг сутини сўриб олувчи Трипс, Хасва каби ҳашаротлар ҳамда бугдой баргига тушувчи «занг» касаллиги деҳқон хирмонига таъсир қилди. Лекин агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказган галлакорлар кўзлаган марраларига эриша олдилар. Биз ҳам маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланиб, касалликларга қарши чора-тадбирларни сифатли ўтказишга ҳаракат қилдик. Натижа кутганимиздан ҳам зиёда бўлди: 331 тонна бугдой йиғиштириб, гектаридан 76 центнердан ҳосил олдик. Бу йилги режа 159 тонна бўлса-да, уни ортиги билан бажариб, мамлакат хирмонига 175 тонналик бугдойимиз билан улуш қўшдик. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг 55 фоиздан ортиги фермер хўжалиқлари ва аҳолининг ўзида қолаётгани биз, деҳқонлар учун жуда катта қулайликлар яратди. Бугун юзимиз ёруғ. Юртбошимизнинг биз каби оддий фермерларга нисбатан ғамхўрликлари, молиявий ёрдам кўрсатилаётгани ана шундай натижаларга олиб келди. Бу эса улуғ мамлакатимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида шоду хуррамликлар бошланаётганидан далолатдир.

«AV YULDUZ BREAD» ишга тушди

Бухоро туманидаги «Бухоро гарант қурилиш» МЧЖнинг «AV YULDUZ BREAD» шўъба корхонасида сифатли нон ва қондитер махсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Мажмууд ресурслардан самарали фойдаланилаётгани эса бу ерда даромадининг ортиб боришини таъминляпти. Иш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилган эвазига ҳар сменада 1,5 тоннадан зиёд махсулот мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва аҳолига етказиб берилмоқда.

БУГУНГИ СОНДА:

ҚАДИМ ЮРТНИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИ

Автомобиль йўлларини такомиллаштириш учун ҳар йили ўртача 600-700 млрд. сўм маблағ ажратилмоқда. Миллий автомагистрал таркибига кирувчи халқаро транспорт йўлакларини жаҳон андозалари даражасида қайта қуриш учун эса Осиё тараққиёт банки томонидан 600 млн. АҚШ доллари миқдоринда инвестиция киритилаяпти

05 >

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 2 АВГУСТДАН ВОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,	1 Австралия доллари ↑ 1908,16	1 АҚШ доллари ↑ 1727,00	1 Хитой юани ↑ 268,38	1 Туркия лираси ↑ 1024,20	1 Япония иенаси ↑ 223,01
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади:	1 Англия фунт стерлинги ↑ 2840,57	1 Миср фунти ↑ 290,06	1 Малайзия ринггити ↑ 587,81	1 Швейцария франки ↑ 2182,48	1 Россия рубли ↑ 62,39
	1 Дания кронаси ↑ 333,68	1 Исландия кронаси ↑ 15,04	1 Польша злотийси ↑ 623,08	1 ЕВРО ↑ 2487,80	1 Украина гривнаси ↑ 216,65
	1 БАА дирҳами ↑ 470,21	1 Канада доллари ↑ 1815,03	1 СДР ↓ 2761,47	1 Жанубий Корея вонги ↑ 16,46	

Реал натижалар бош мезонга айланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Концепцияда илгари сурилган тақдирлар асосида ишлаб чиқилган "Рақобат тўғрисида", "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида", "Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳусусида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эса бу борадаги фаолиятимизни янада ривожлантириш имконини берди. Унга кўра, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки 3 йил мобайнида режаларнинг амалга оширилиши бўлишига қўйилган талабларни қўйишнинг зарурлиги аниқ белгилаш мақсадида Президент фармони орқали текшириш муддатларини 30 календарь кундан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди. Ана шундай ниҳоятда муҳим меъёрларнинг жорий этилиши натижасида текшириш ўтказилиши режалаштирилган 5015 та тадбиркорлик субъектларидан 171 таси 2011 йил режа-жадвалидан чиқарилди.

Олти ойлик фаолиятимизда бир гуруҳ депутатлар ташаббуси асосида тайёрланган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилгани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганини алоҳида қайд этишни истардим. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат ҳам партияимиз электорати фаолияти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Партиянинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, тадбиркор эркинлиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик муваффақиятли иқтисодий фаолият асоси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам О'зЛиДеРнинг кўйи палатадаги фракцияси аъзолари қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида жойларда ўтказилган 100 дан ортиқ тадбирларда электорат вакиллари билан олинган 300 дан зиёд тақдирлардан унумли фойдаландилар.



Шоира ХАЙДАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Шу ўринда Президент Концепцияси доирасида ишлаб чиқилган «Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам амалда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган ниҳоятда муҳим қонун бўлганини таъкидлаш лозим. Қонуннинг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини банк назорати бўйича қабул қилинган янги талаблар асосида тизимга солишга йўналтирилгандир. Не-

гаки, айна пайтда тижорат банклари билан бир қаторда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи кредит уюмлари, микрокредит ташкилотлар ва ломбардлар ҳам иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айландилар.

2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада жами 209 та нобанк кредит ташкилоти, хусусан, 116 та кредит уюмлари, 35 та микрокредит ташкилоти ва 58 та ломбард фаолият юритаётган бўлса, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларимизни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдирish-га муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ана шундан келиб чиқиб, лойиҳада «Кредит уюмлари тўғрисида»ги қонунга «лицензиянинг амал қилишни тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш» номли янги модда киритилмоқда. Қонуннинг 7-моддасига аъзоси бўла олмаслиги бўйича қўшимча ҳам киритилаяпти. Бу уюшма томонидан тақдир этилаётган молиявий хизматлардан фақат унга эҳтиёжи бўлган ўз аъзоларига фойдаланишига имконият яратаяди, албатта. Бундан ташқари, кредит уюмларига аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқариш жараёнини тартибга солиш мақсадида амалдаги қонуннинг 7, 14, ва 17-моддаларига кредит уюмларида аъзолик институтини кучайтириш бўйича қўшимчалар киритилмоқда. Бу эса уюшмага аъзолик қабул қилиш тартибини аниқлаштириш ва мезонларини белгилашда муҳим ўрин тутаяди.

Уйлайманки, бундай қонунларнинг қабул қилиниши электоратимиз учун жуда кўп қулайликлар яратаяди.



Севара МУСЛИМОВА, Аёлларнинг сиёсий фаолияти жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир:

— Ҳақиқатан ҳам бугун ўрта синф вакиллари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Чунки айнан ана шу қатлам кенг қўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдор қучга айланди. Дунёда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам Президентимиз томонидан танланган йўл, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли иқтисодиёт, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланмоқда. Хусусий сектор айна пайтда бозорларимизни истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдирish, аҳоли даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига ҳам айланди.

Ушбу масалалар партия Дастурида белгилаб олинган долзарб вазифалар билан ҳамоҳанг бўлгани учун ҳам О'зЛиДеР "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишларини сўзсиз амалга ошириш борасида тизимли ишларни олиб бормоқда. Хусусан, партия фракцияси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан электорат билан доимий мулоқотлар уюштириш имконини берган қатор лойиҳалар ҳам амалга оширилди.

Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюмлари ҳамда «Хунарманд» уюмлари

билан ҳамкорликда ўтказилган 65 та амалий учрашувда 8700 дан ортиқ электорат вакиллари иштирок этиб, улар томонидан тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича 500 га яқин амалий тақдирлар билдирилди. Энг муҳими, депутатларимиз ана шу тақдирлардан қонунчиликни янада либераллаштириш фаолиятида кенг фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи» лойиҳасида эса энг чекка ҳудудларда молиявий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, банк, молия ва кредит соҳаларини кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ўз бизнесини очиш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадидаги ёшлар учун бошланғич сармояни шакллантириш бўйича уларнинг билим ва маълумотларини ошириш масалалари қамраб олинди. Хусусан, Қўрғонтепа, Чуст, Фурқат, Пайарик, Бахмал, Нишон, Бойсун, Томди, Бўжа, Когон, Эллиққалъа ва Гурлан туманлари ҳамда Янгиер шаҳрида ўтказилган тадбирлар янги самара берганини таъкидлаш мумкин.

Ўтказилган 14 та семинар ва конференцияда 6500 дан ортиқ электорат вакиллари иштирок этганини инобатга олсак, лойиҳа ўзига хос аудиторингни қамраб олганига гувоҳ бўламиз. Энг асосийси, ана шу лойиҳа туфайли Марказий банк ва унинг жойларда бошқармалари томонидан 500 дан ортиқ тадбиркорларга имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар берилди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа юртимизнинг бошқа туманларида ҳам тизимли ва самарали давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона қўмиталари билан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг иқтисодий барқарорлиги кафолати" мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларда 4500 дан ортиқ электорат вакиллари иштирок этдилар.

Ана шу тадбирларда 300 дан ортиқ тадбиркорлар Солиқ ва Божхона қўмиталарининг махсус ёрликлари билан тақдирландилар. Август ойининг иккинчи декадасида эса мазкур ўқув-семинарларга бағишланган матбуот конференцияси ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўқув-семинарлар якунида матбуот конференцияси ўтказилиб, лойиҳа натижалари кенг жамоатчиликка маълум қилинди. Бу эса лойиҳанинг мазмун-моҳиятини янада кенгрок тарғиб этиш ва келгуси лойиҳаларга кўпроқ ёшларни жалб этиш имконини берди.



Тўлқин ФАЙЗИЕВ, О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Шу ўринда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси

«Давра суҳбати»да О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада жонлантириш учун фракция ва депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди. Шунингдек, тадбирда партия фаоллари, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ишини бугунги кун талабларига мослаштириш учун Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосий мезон қилиб олинishi лозимлиги таъкидланди.

Саҳифа материалларини А.Муродов ва Қ.Сайдалиев тайёрлади.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК 2011-ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Парламент эшитувида экспорт масалалари муҳокама қилинди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Парламент эшитувида кичик бизнес субъектлари ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиш даражаси сезиларли ошганига эътибор қаратилди. 2010 йил давомидагина 173 минг тонна мева (ишлаб чиқаришга нисбатан 24 фоиз), 293 минг тонна сазавот ҳамда 65,9 минг тонна полиз маҳсулотлари экспорт қилинган.

— Аммо шундай натижаларга қарамай, бу борадаги ишларни тизимлаштириш, унинг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд, — деди қўмита раиси. — Ана шундан келиб чиқиб, белгиланган режа асосида соҳага маъсул идора ва ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бундан мақсад ташкилот иштирокчиларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимояловчи қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Тадбирда ташкилот иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Қамолловнинг ахбороти эшитилди. Унда қайд этилишича, бугун тадбиркорларимиз томонидан дунёнинг 39 мамлакатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинаётган бўлса, уларнинг умумий миқдори 334 минг тоннани ташкил этади. Айна пайтда экспорт қилинган маҳсулотлар ҳисобига 592,1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi нақд пул келиб тушмоқда.

«Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари А.Йўлдошев Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартибларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари томонидан ўз маҳсулотларини экспорт қилишда қулай муҳит яратганини таъкидлади. Унда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мажбурий сертификатлаштиришдан чиқарилгани маҳсулот сотувчиларга қўшимча имкониятлар яратилди. Эндиликда божхона идоралари томонидан тадбиркорлардан мувофиқлик сертификати талаб қилинмапти. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежашга хизмат қилаяпти.

— Агентлигимиз томонидан ўтган олти ойда озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига 7122 та мувофиқлик сертификати берилди. Бунда марказий аппарат таркибида «Маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашши Бюроси» ташкил этилгани айна мuddао бўлди, — деди А.Йўлдошев. — Бюронинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлар, маҳсулотни сертификатлаш, ёрликлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат-хизматлари кўрсатишдан иборат.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон эса экспортёр корхоналарга қулай муҳит ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида 22 та хорижий давлатларда палата вакилликлари ташкил этилгани, 52 та чет эл ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилганини таъкидлади. Натижада палата томонидан 198 та корхонага четдан жами 18,8 миллион АҚШ долларилик турли ускуна ва технологиялар олиб келинди.

Парламент эшитуви иштирокчиларининг фикрича, соҳада маҳаллий сертификатларнинг аксарияти хорижий мамлакатларда тан олинмаслиги, импорт қилаётган мамлакатларда сертификат олиш жараёнининг мураккаблиги, ISO стандартларини корхоналарда таъкид этиш билан боғлиқ харажатларнинг юқорилиги каби муаммолар сақланиб қолмоқда.

О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, бу масалага фақат қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш йўли билангина ечим топиш мумкин.

— Бугун экспортга оид рухсатномалар ва сертификатлар олиш билан боғлиқ мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганига қарамай, тез ўзгараётган жараёнларда соҳани тартибга солишга ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда, — деди фракция аъзоси Ориф Шарипов. — Шу сабабли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш лозим.

Унда экспорт қилишни белгилловчи ҳуқуқий нормалар аниқ тушунчалар орқали мустаҳкамлашни мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу О'зЛиДеРнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган «қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун мумкин қадар қулай шарт-шароит яратиш» борасидаги мақсадларга тўла мос келади.

Парламент эшитувида экспорт жараёнида рухсатнома ва сертификатлар бериш тизимини янада соддалаштириш борасида қўшимча амалий чоралар кўриш билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмита қарори қабул қилинди.

Жумладан, Аграр ва сув хўжалиги қўмитаси томонидан 2011 йил ва кейинги йилларда соҳа мутахассислари ва экспертлари иштирокида Парламент назоратини ўтказиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини янада жадаллаштириш каби аниқ мақсадли вазифалар режалаштирилди.

КОНЦЕПЦИЯ

Демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди

Матбуот ва электрон нашрлар фаолиятида ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликлар ҳам учраб турибди.

Мамлакатимиздаги 17 мингдан ортиқ фуқаролик жамияти институтларининг 1250 га яқини оммавий ахборот воситаларидир

31 (403)-СОН

2011 йил 4 август,
пайшанбаe-mail:
axborotXXIasr@yahoo.com

Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши — матбуот эркинлиги ва мустақиллигининг гаровидир

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да яна бир бор фуқароларнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмай туриб, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириб бўлмаслигига эътибор қаратилди

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси аъзоси

Ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бу — демократик жамият асосларини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Концепцияда ахборот соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишларга танқидий баҳо берилиб, тўртинчи ҳокимият фаолиятининг иқтисодий асосларини янада мустақамлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кафолатлашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш, хусусан, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Ушбу қонун бозор иқтисодиёти шароитида миллий матбуотни тизимли қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, унинг қабул қилиниши ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, матбуот учун эса қўшимча преференциялар яратиш имконини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Шу ўринда ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари жамиятимиз ривожининг янги босқичи шартларида жавоб бериши баробарида халқаро ҳуқуқий талабларга ҳам уйғунлаштирилган бўлиши лозимлигини унутмаслик керак. Шу нуқтаи назардан ОАВни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат кўмагининг асосий тамойиллари бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, Европа Кенгашининг оммавий ахборот воситаларида фикрлар хилма-хиллигини рағбатлантиришга оид чоралар бўйича тавсияларида ҳам ўз аксини товланиши таъкидлаш жоиз.

Мазкур ҳужжатда кўрилатган чора-тадбирлар ҳолис ҳамда бетараф мезонлар асосида, ошқор тартибда амалга оширилиши ва мустақил назорат қилиниши кераклиги таъкидланди. Айни пайтда ОАВларнинг бир қўлда жамланishi ёки бундай ёрдамдан фойда кўраётганларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетишларига йўл қўймаслик мақсадида ёрдам кўрсатиш шартлари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиши кераклигига эса алоҳида эътибор қаратилади.

Қатор ривожланган давлатларда оммавий ахборот воситаларида давлат томони-

дан ёрдам кўрсатилиши масаласи махсус қонунлар ёхуд қонунчиликдаги айрим моддалардаги меъёрлар асосида тартибга солинади. Аксарият ҳолларда давлат кўмагининг ҳуқуқий асослари ОАВ тўғрисидаги қонунларда белгиланганидан ташқари тармоқ қонунчилигида, хусусан, солиқ кодекси ва бошқа қонуности

фойдаланилади. Бундан ташқари, тадқиқот лойиҳалари, айниқса, маркетинг тадқиқотларида давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда даврий нашрларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос шартлари мавжудлигини ҳам унутмаслик керак. Хусусан, бундай

да лойиҳаси тайёрланаётган «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунда давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун қўшимча имтиёз ва

КОНЦЕПЦИЯДА АХБОРОТ СОҲАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИЛИБ, ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КАФОЛАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ХУСУСАН, «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.

ҳужжатларида ҳам ривожлантирилади. Бундай ёрдамнинг ҳуқуқий кафолатлари ишлаб чиқилгани даражаси ўша давлатнинг молиявий имкониятлари ва ахборот соҳасида олиб борилётган сиёсатида ҳам боғлиқдир.

Масалан, Австрияда ушбу масалалар «Матбуотни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ҳамда «Таълимий ва публицистик фаолият тўғрисида», Жанубий Кореяда эса «Матбуотдаги нашрларни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солинади.

Айни пайтда аксарият мамлакатларда ОАВларга давлат ёрдамининг бошқача шакллари ҳам қўлланилади. Масалан, қўшилган қиймат солиғи ёки махсулотларнинг айрим турлари, шу жумладан, газета қозғони олиб кириш бўйича божжона йиғимларидан озод қилиш каби. Бундан ташқари, бу ёрдам давлат томонидан субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртма жойлаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Жумладан, айрим мамлакатлар қонунчилигида мақсадли харажатларни молиялаш учун субсидиялар ажратиш, яъни уларни давлат бюджети ҳисобидан молиялаш ҳам кўзда тутилган.

Хусусан, Францияда ана шундай субсидиялар рекламдан етарли даражада даромад олмаётган, айни пайтда бюджет олдида қарзи бўлмаган кундалиқ умумсиёсий нашрларга берилса, Австрияда кундалиқ ва ҳафталик нашрларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, журналистлар ва техник ходимларнинг малакасини ошириш учун мақсадли маблағлар ажратиш тажрибасидан кенг

ёрдам Австрияда чоп этилган ва нашрнинг камида битта австриялик ношири бўлган нашрларгагина берилди. Бундан ташқари, ана шу нашрда сиёсий, маданий мавзуларда мақолалар чоп этилган ёки мақолаларнинг аксарияти уларга боғлиқ фанларга тааллуқли бўлиб, тор доирадаги мутахассисларга эмас, балки таълим мақсадларига хизмат қилган тақдирдагина кўрсатилади.

Энг асосийси, ёрдам кўрсатиш пайтида ана шу нашр битта федерал ҳудуд эмас, балки умумжамиyat манфаатларига мос равишда тарқатилган эътиборга олинади.

ОАВларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишда солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилиши ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, Европа Иттифоқи давлатларида матбуот учун қўшилган қиймат солиғи бўйича камайтирилган ставкалар белгиланган бўлиб, босма махсулот учун ҚҚСдан тўлиқ озод қилишдан тортиб 7 фоизгача камайтирилган ҳамда белгиланишигача бўлган чоралар қўлланилади. Зеро, ЕИнинг турли давлатларида бундай солиқлар миқдори 17,5 дан 36 фоизгача бўлган миқдорни ташкил этади. Айрим мамлакатлар қонунчилигида ахборот махсулотлари экспорти учун бож тўловидан озод қилувчи меъёрлар ҳам киритилган.

Бир сўз билан айтганда, хорижий давлатларда ҳам ОАВларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари бўлиб, улар ушбу муҳим соҳанинг ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-

преференциялар бериш, бу тузилмаларга солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича меъёрлар назарда тутилиши лозим.

Шунингдек, ОАВда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг интеллектуал салоҳиятини ва касбий маҳоратини ошириш ҳам долзарб масалалардир.

Айни қунда матбуот ва электрон нашрлар фаолиятида ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, мансабдорларга иттифоқчилик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликлар учраб турибди. Бу Президентимизнинг 2011 йил 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригда ҳам қайд этилди.

Шу муносабат билан глобаллашув, ахборот жамиятини шакллантириш шароитида журналистлар, айниқса, ёш журналистларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришга доир изчил ишларни янада кучайтириш, уларни ўқитиш жараёнига катта тажриба ҳамда маҳоратга эга профессионал ходимларни жалб этиш, илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур.

Бу борада эса тараққий топган давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда қонун лойиҳасини ҳар томонлама асосланган амалий ҳуқуқий меъёрлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш учун қўлай шароит яратиш, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимлар даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам ижобий таъсир этиши шубҳасиздир.



Жамоатчилик назорати кучайтирилади

Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ижтимоий институтлар жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда муҳим ўрин тутаяётгани бежиз тилга олинмади. Зеро, бундай ташкилотлар фаолияти мустақамлашиб боргани сайин фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки ҳам ортиб бораверади

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари и қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг ўрни ҳамда аҳамияти» мавзудаги илмий-амалий конференцияда мамлакатимиздаги 17 мингдан ортиқ фуқаролик жамияти институтларининг 1250 га яқини оммавий ахборот воситалари эканлигига эътибор қаратилди.

Қабул қилинган қонунлар ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг марказ ва жойлардаги ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган айна ана шу институтнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Ана шундан келиб чиқиб, тадбир иштирокчилари кенг қўлми ислоҳотларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш шартларидан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутата-

ти, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Адхам Шодмоновнинг таъкидлашича, бугунги кунда жамоатчилик назорати институти давлат ва жамият ўртасидаги самарали алоқаларни яхшилаш ҳамда фуқароларнинг мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаси саналади.

— Ана шундан келиб чиқиб, Концепцияда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди, — деди А.Шодмонов. — Мазкур қонундан кўзда тутилган мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли механизмини яратишдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоевнинг фикрича, амалдаги қонунчиликда жамоатчилик назоратининг турли кўринишлари акс эттирилган бўлса-да, аммо бугунги тадрижий ривожланиш тамойиллари соҳани тартибга солишчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни ҳамда яхлит бир қонунга бирлаштиришни тақозо этаётир. Бунда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, ОАВнинг ижро ҳокимияти устидан кенг миқёсдаги жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳақида бормоқда. Шу боис ҳам бугун парламент қўйи палатасида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Айни кунда лойиҳанинг 20 та мод-

дадан иборат дастлабки нусхаси тайёрланиб, унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш бўйича меъёрлар ўз аксини топмоқда.

Анжуманда жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини таъминлашда ОАВ ўрни муҳимлиги алоҳида таъкидланиб, бу жараёнда журналистларнинг фаол иштирок этишлари лозимлигига эътибор қаратилди. Конференцияга Бухоро ва навоийлик бир гуруҳ журналистлар ҳам таклиф этилиб, уларнинг бу борадаги фикрлари ҳам эшитилди.

— Қабул қилинаётган янги қонунлар моҳиятини аҳоли орасида тарғиб қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорлари ҳамда уларнинг ижроси даражасини кенг жамоатчиликка етказиш фақат матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади, — деди «Бухоронома» газетаси муҳбири Гулчехра Ашурова. — Ана шу нуқтаи назардан қараганда, биз, журналистларнинг ҳам замон билан ҳамнафас фаолият юритишимиз кераклигини бугунги жараёнда таъкидлаш кераклиги таъкидланди. Бунда, энг аввало, ҳуқуқий билим ва журналистлик малакага эга бўлиш даркор. Ушбу илмий-амалий конференция ана шундай имконият тақдим этгани учун ҳам жуда муҳимдир.

Конференция ишида, шунингдек, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.



«Далварзин»лик тadbиркор аёл

ёки Халқ депутатлари Бекобод туман кенгаши депутати,
O'zLiDeP фаоли Гулзода Пўлатова портретига чизгилар



Зиёдулла
МУМИНОВ,
«XXI ASR»

Эрталабдан яхши хабар эшитган кишининг кун давомида кайфияти кўтаринки бўлади. Шодлигини ҳамма билан баҳам кўргиси келади. Идораларга очик чехра билан кириб борган одамнинг эса доимо иши юришади. Гулзода бунга ўз тажрибасида бир неча бор синаб кўрган.

Бугун ҳам у эрта уйғониб, одатдаги ишларини режалаштираётганида кўл телефони жиринглаб қолди. Турмуш ўртоғининг овозини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

— Суюнчини тайёрлайвер, эртага етиб бораман, — деди Эркинжон. — Шартномалар имзоланди.

— Бунча яхши! — деди Гулзода кувончини яширолмай.

— Яхшиликка яхшику-я, аммо тиним билмай мейхнат қилишга тўғри келади, энди.

— Бу ёғидан ташвиш тортманг. Мухими, шартнома имзоланибдику...

У бир неча кундан бери Санкт-Петербургда кетган турмуш ўртоғидан хушхабар кутаётган эди. Хайрият, уришлари беҳуда кетмади — хорижлик ҳамкорлари сони яна биттага кўпайди.

Бекободлик Гулзода Пўлатованинг "Гулзода-Нигинабону" хусусий фирмаси ташкил этиб, иш бошлаганига ҳали кўп бўлган йўқ. Аммо аввалдан бозор талабларини синчиқлаб ўрганиб чиққани боис мўлжалли тўғри олди. Дастлаб 2-3 та тиквуд машинасини сотиб олиб, кишиликдаги чевар қизларни ёнига чорлади. Харидорлар

билан келишилган ҳолда тайёрланган чойшаб, махсу кийим-бош, кўрпачушак, ёстиқ жилди каби махсулотлар туриб қолмади. Аксинча, кундан-кунга талаб орта бошлади. Орадан кўп ўтмай, мўжазгина тиквуд чехида фаолият кўрсатаётган 5 нафар чевар сафига яна 15 нафар тиквучи қўшилди.

— Ишда сифат бўлгач, махсулотни миқдоринг ўзи кидириб келар экан, — дейди O'zLiDeP фаоли, халқ депутатлари Бекобод туман кенгаши депутати Гулзода Пўлатова. — Иш бошладан олдин ҳамма суюб харид қиладиган махсулотимизни "Гулзода-Нигинабону" хусусий фирмасида ишлаб чиқарилган" деган ёрлик билан сотишни жуда-жуда хоҳлагандим. Яратганга шукр — орзуми ушалди. Утган йили Россия Федерациясининг Иркутск шаҳри тadbиркорлари билан алоқани йўлга қўйиб, махсулотларимизни экспорт қила бошладик. Орадан кўп ўтмай, Санкт-Петербургда шариҳдан келган тadbиркор ҳам фаолиятимиз билан қизиқиб қолди. Унинг таклифига биноан турмуш ўртоғим Эркин Турсунов

Россияга кетган эди. Мана, кўнғироқ қилиб, катта миқдорда буюртма олганини хабар қилди.

— Корхонамизда ёшлар кўпчилигини ташкил этар экан. Бу махсулот сифатида белгиланганиддек, асосий вазиламиз биринчи гада ўзимиз яшаб турган маҳалла, кишлоқлардаги аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш. Қолаверса, уларнинг касб малакаларини ошириш доимий эътиборимизда. Еш, қизикувчан қизлар эса қишлоқимизда кўпчилигини ташкил этади. Яқинда касб-хўнар коллежани тамомлаган ёшлардан яна 5 нафарини ишга қабул қилдим. Улар ҳозирча шогирд сифатида ишлайптилар. Қобилиятларига қараб аста-секин мустақил ишга ўтказиладилар. Ана шунда ойлик маошлари 300 миң сўмдан кам бўлмайди. Бу кишлоқ шароитида ёмон даромад эмас. Бундан ташқари, уй бекаларини ҳам жалб этиб, касаначиликни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилаёмиз.

— Ҳамкорларингиз ортиб бораётган экан, фаолиятингизни янада кенгайтира экансизда?

— «Далварзин» кишлоқ фуқаролар йиғини худудида 15 миң нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги ёшлар. Худудимизда касб-хўнар коллежлари, бир неча мактаб бор. Улар доимий эътиборимизда. Нафақат мен, балки бошқа тadbиркор ва фермерлар ҳам уларни ўзаро келиш-увчан ҳолда, касбларига қараб ишга олаёмиз. Энг муҳими, уларнинг аксарияти иш бошлаганларидан сўнг партиямизга аъзо бўлишмоқда. Айни пайтда «Далварзин» кишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги БПТнинг 22 нафар аъзоси бор.

— Сиз нафақат тadbиркор, балки партия туман кенгаши «Аёллар қаноти»нинг фаоли ҳам экансиз. Кишлоқларда, маҳалларда бўлиб, хотин-қизлар билан ишлаш, партия топириқларини адо этиш муайян вақт талаб этади. Айтмоқчиманки...

— Тўшунарли. Тadbиркор учун вақт ҳар қандай қиммат, демократия. Лекин «Аёллар қаноти» фаоли, халқ депутатлари Бекобод туман кенгашидаги

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси сифатидаги бурчимни унутишга ҳаққим йўқ. Чунки O'zLiDeP — менинг партиям. Унга аъзо бўлишга мени ҳеч ким даъват этмаган. 2003 йил, яъни партия дастлаб ташкил этилган пайтдаёқ туман кенгашига ўзим мурожаат қилганман. Шу-шу асосий ишим билан партиявий топшириқларни тенг бажаришга одатланганман. Хоҳиш бўлса, ҳаммасига улғуриш мумкин. Яқинда ўзимизнинг «Далварзин»даги хонадонларни айланиб чиқдим. Бир эмас, учта оила бекаси — Одина опа Нурматова, Сожида опа Тўйчиева, Холлида опа Усмонова ўғиллари фарзандлик бурчини ўтаётган ҳарбий қисм кўмондонлигидан «Ташаккурнома» олинди. Уларни кўрсатиб, қанчалик қувонганликларини кўрсангиз эди. Бундай урғулар, учрашувларимиз самараси, аҳоли орасига кўпроқ кириб бораётганимиз, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлаётганимизнинг ҳосиласи, деб тушунаман. Аслида «Аёллар қаноти»нинг асосий мақсадларидан бири ҳам оилаларимизнинг муштаҳам ва соғлом бўлишига ҳисса қўшиш, фаол хотин-қизлар бошини қовуштириб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш, уларда тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш, сиёсий ҳуқуқий билимларини оширишдир. Бундай оилаларда ўсиб-ўлғайган йигит-қизлар эса жамиятимизга фақат наф келтирадилар.

Бекободдан қайтишда Гулзода Пўлатованинг оддий, самимий гаплари замирида катта маъно ва мазмун мужассам эканлигини ўйлаб, орамизда ана шундай замонавий, теран фикрлайдиган сафдошларимиз кўпчилигини мамнун бўлдим.

Пастдаргомда ижодий учрашув

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам турли маданий-маърифий тadbирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Пастдаргом туманида «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган ана шундай тadbирда пойтахтдан келган олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этди.

Учрашувда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз фаровонлигини, мамлакатимизнинг изчил тараққиётини таъминлашга, унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида ўз амалий ифодасини топаётгани, айниқса, қувонарлиқдир.

— Самарқанд шаҳрида, Пастдаргом тумани маркази — Жума шаҳарчасида кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳар қандай одамга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди, — дейди «Ёшлик» журнали бош муҳаррири, ёзувчи Собир Ўнар. — Ҳақиқатан ҳам сайқали Самарқанд мустақиллик туфайли янада чирой очиб,

кўрамлашганига гувоҳ бўлдим. Бу ерда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари барча жойда давом этаётганини Пастдаргом тумани мисолида яққол кўриш мумкин: Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова; Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор Дилором Омунуллаева ҳамда самарқандлик санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. **Ф.ХАСАНОВ, ЎзА мухбири**

Битирувчилар иш билан таъминланди

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда жойларда ўтказиладиган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этаётир. Чиноз тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Марказ томонидан шу кунга қадар ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида юздан ортиқ корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, тўрт юз нафарга яқин фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Бу ерда ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида касб-хўнар коллежлари битирувчилари билан бирга аҳолининг кенг қатлами вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

— Бугунги меҳнат ярмаркасида коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. — дейди Чиноз тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Мурод Ботиров. — Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, халқ таълими ва ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ярмаркада 120 га яқин корхона ва ташкилот 600 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Юз нафардан ортиқ битирувчи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун йўланма олди. **Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири**

Фермерлик ҳаракати — кишлоқдаги ҳал қилувчи куч

«Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим»

— дейди «Коинот» фермер хўжалиги раҳбари, Балиқчи туманидаги «Фермер аёллар уюшмаси» раҳбари Соҳиббахон ХУДОЙБЕРДИЕВА

Умида ЙЎЛЧИЕВА

— Соҳиббахон ерни севади. Қачон қараманг, далада, экинлари атрофидан парвона, — дейди O'zLiDeP Балиқчи туман кенгаши масъул ходими Гулнораҳон Қодирова. — Фермер хўжалиги ташкил топганига 11 йил бўлибдики, бирор марта пахта ёки дон режаси бажарилмаганини эслаш олмайдим. Соҳиббахон 25 нафар ҳамкишлогини иш билан таъминлади. Шундан 4 нафари касб-хўнар коллежини битирган ёшлар. Айни пайтда фермер хўжалигида 50 киши меҳнат қилапти. 86 гектар майдонда пахта ва галла етиштириш билан бирга ишчилар эҳтиёжи учун эгат четларида сабзи, ловия, мош, помидор каби сабзавотлар экилган. Бу йил 17 бош қорамол ҳам сотиб олинди. Энди ишчилар сўт махсулотлари билан ҳам таъминланмоқдалар. Келажақда қора моллар сонини 30 га етказиш режалаштирилган. — Менга тadbиркор-

лик қондан ўтган бўлса керак, — дейди Соҳиббахон. — Бобом Насриддин Ёқубов ўз касбининг устаси, далалар билан сирдош ҳосилот бўлган. Ёшлигимда бригадир бўлишни, пахта, дон етиштиришни орзу қилардим. Бунга балки Маҳмуджон тоғамнинг пахтачилик бригадаси бошлиғи экани сабаб бўлгандир. У киши ҳар тонгни пахтазорда қаршиларди. Қуёш тикка кўтарилгандагина чой ичгани уйга келарди. Биз, эндигина уйғонган болақайларни чақириб, бирга нонушта қилишни ёқтирарди. Тандирдан янги узилган нон билан чой ичининг гаштини ўшанда тушуниб етганман. Мурғак қалбимда «Ишлаган — тишлайди» деган ибора ўша вақтларда ниш урган бўлса, ажаб эмас. Аммо ота-онам кишлоқ хўжалиги соҳасида ўқишимни хохламадилар. Онам мени оппоқ кийиниб юришимни орзу қилардилар. Шу боис Андижон тиббиёт билим юртига ўқишга кирдим. Уни битиргач, Чинобод худудий шифохонасида бир неча йил ҳамшира бўлиб ишладим. Аммо болалик орзуларим юрагимнинг бир четидан жой олгани боис деҳқончиликка меҳ-



рим ўзгача эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятимизда меҳнат қилаётган фидокор, тadbиркор аёллар ҳақида газета-журналларда ўқиб, телевизорда томоша қилиб, орзум қарорга айланди. Турмуш ўртоғим Фуломжон ака билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келдик. Дастлаб 11 гектар ерга биринчи чигит қадаган кунлардаги ҳаяжонимни ўйласам, ҳозир ҳам галати бўлиб кетаман... Соҳиббахон бугун Анди-

жондаги таниқли фермерлардан бири. 2011 йилда дон тайёрлаш режасини 120 фоизга бажарди. Пахтадан ҳам қутилганидан зиёда хирмон уош ниётида тиним билмай ҳаракат қилапти. Кўпроқ тунги сугориш ишларида эркак кишининг ёрдамига муҳтожлик сезилади. Шундай кезларда кичик ўғли Жаҳонгирни ҳамроҳ қилиб олади.

— Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма йиллик даврида мамла-

Ҳамкорлик самараси

O'zLiDeP Чуст туман кенгаши Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда касб-хўнар коллежлари битирувчилари учун «Бўш иш ўринлари» ярмаркасини ўтказди. Унда тумандаги 35 та корхона, ташкилот, муассаса ҳамда 110 та фермер хўжалиги 250 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. — Туманимиздаги 9 та касб-хўнар коллежини бу йил 4059 ўқувчи тамомлади, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Файзуллахон Мадаминов. — Битирувчиларнинг бирортаси эътибордан четда қолгани йўқ. Уларнинг ҳар бири билан уч томонлама шартномалар имзоланди. Ўқувчилар ушбу шартнома асосида амалиётни ҳам бириктирилган меҳнат жамоасида ўташди. Бугун эса шартнома талабидан келиб чиқиб, қаерда амалиёт бажарган бўлсалар, ўша жойда ишни давом эттирадилар. — Чуст педагогика-сервис касб-хўнар коллежини тамомладим, — деди Муаттар Сайфуллаева. — Бугунги ярмаркада тумандаги 32-мактабгача таълим муассасасига тарбиячи бўлиб ишга жойлашдим. — Мен Косонсой иқтисодиёт касб-хўнар коллежини битирдим, — дейди Ойбек Раҳимов. — Меҳнат ярмаркаси орқали туман «Матлубот-савдо» уюшмасига сотувчи бўлиб ишга кирдим.

Депутат ўз ваколатидан қай даражада фойдаланмоқда?

Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Тolibжон Мадумаров «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

— Тolibжон Абдумаликович, маълумки, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» сиёсий партиялар ва уларнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига алоҳида масъулият юклади. Бу борада сиз раҳбарлик қилаётган депутатлик гуруҳи қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Дарҳақиқат, Концепция бугунги кунда ҳаётимиз учун муҳим дастуруламалга айланди. O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг III мажлисида партиянинг шу асосдаги амалий Харакат дастури ишлаб чиқилиб, унда биринчи навбатда, жойлардаги депутатлар фаолигини ошириш, бошланғич партия ташкилотларининг ишини янада жонлантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Утган вақт мобайнида депутатлик гуруҳимиз ўз фаолиятини ана шу талаблар асосида қайта ташкил этди. Бунда асосий эътибор маҳаллий кенгашлар таркибидан иш олиб бораётган депутатларнинг шахсий масъулиятини оширишга қаратилди. Зеро, белгиланган иқтисодий-ижтимоий дастурлар ижросини таъминлашда улар алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатишлари лозим. Нега деганда, депутат ўзи сайланган округдаги ўзгаришлар, ўтказилаётган ислохотларга бошқоқ бўлгандагина амалий

ишлар самара беради.

Ушбу масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолиги масаласини халқ депутатлари вилоят кенгашининг X сес-

масалалари бўйича доимий комиссия»си масъул этиб белгиланган бўлиб, унинг таркибидagi депутатлар мазкур йўналишдаги ишларни қатъий назоратга олишганки, бу шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ БУ БОРАДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

сиёсий кун тартибига киритдик. Натижада вилоят кенгаши таркибидagi 7 та доимий комиссиянинг фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Маълум бўлдики, утган давр мобайнида доимий комиссиялар иши Олий Мажлис Сенати Кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашининг қарорлари асосида ташкил этилган, ушбу жараёнда депутатлик назоратининг мансабдор шахслар ҳисоботларини сессиялар, доимий комиссиялар йиғилишларида тинглаб бориш ҳамда депутатлик сўровлари юбориш каби шаклларида унумли фойдаланилган. Масалан, иқтисодий кўрсаткичларнинг вилоятдаги ижроси учун «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тadbиркорлигини ривожлантириш

«Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия» эса иқтисодий жиҳатдан «ўтириб» қолган корхоналар фаолиятини тиклаш, жойларда янги ва замонавий иншоотларни барпо этиш бўйича ижро ҳоқимияти билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бораётёр.

— Президентимиз Концепцияси ва O'zLiDePнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқсак, андижонлик депутатларнинг бугунги фаолиятдан қониқиб қилиш мумкинми? Умуман, улар томонидан электорат манфаатларини қўзғовчи қандай масалалар сессиялар кун тартибига олиб чиқилмоқда? — Айни кунда халқ депу-



татлари вилоят кенгашида 11 нафар O'zLiDeP депутати фаолият кўрсатаёпти. Сессиялар кун тартибига вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид долзарб масалаларни олиб чиқишга ҳаракат қилияпмиз. Жумладан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Улуғнор туманидаги ижроси ўрганиб чиқилди. Маълум бўлдики, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам бор. Ушбу масала вилоят кенгаши сессиясида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан тако-

милаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармоннинг вилоятдаги ижросига доир масала ҳам кенгаш муҳокамасига киритилди. Бу борада амалга оширилган ишлар атрофлича кўриб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича халқ депутатлари вилоят кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Умуман, ҳозирги ислохотлар жараёни энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш, маҳаллий кенгаш депутатларининг бу борадаги фаолиятини оширишни тақозо этмоқда. Зеро, ўзига берилган ваколатлардан унумли фойдаланиб, жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар бир депутатнинг муқаддас бурчидир.

Сухбатдош: Кахрамон САЙДАШОВ

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI ASR»

Зеро, логистика яхши шаклланмаган ҳудудда хомашё ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш, аҳоли ҳамда корхоналарга транспорт хизмати кўрсатиш талаб даражасида бўлмастгиси, бу эса асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатиши маълум. Шу маънода йўлларни иқтисодийнинг қон томирларига қиёслашди.

Яқин вақтларгача юртимизнинг айрим ҳудудларини боғловчи йўллар кўшни давлатлар орқали ўтгани боис қатор ижтимоий муаммолар келиб чиқар эди. Шу боис мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ Ўзбекистонда йўлсозликка катта эътибор қаратилди. Эндиликда кўплаб янги ва замонавий йўллар ҳудудларни мисоли «олтин камар»дек ўзаро боғлаб турибди.

Умуман, мамлакатимизда 184 минг км. узунликдаги автомобиль йўллари бўлиб, уларнинг 42654 километри «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тасарруфиди. Шундан 3979 километри халқаро, 14069 километри давлат, 24606 километри эса маҳаллий аҳамиятга молик йўллардир.

Компания ташкил этган матбуот анжуманида таъкидланганидек, истиқлол йилларида йўлсозларимиз томонидан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, Қамчиқ довонда 2,5 километрик икита тоннел, Тошкент кичик ҳалқа йўли, Қўқон, Каттакўрғон ва Бухоро сингари йирик шаҳарлар


учун янги айланма йўллар барпо этилди. 2009-2010 йиллар мобайнида 682,1 млрд. сўм ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 395 км. узунликдаги автомобиль йўли реконструкция қилинди, 2250 км. йўл қайта таъмирланди. Қисқаси, ҳар йили ўртача 200-250 км. йўл реконструкция қилиниб, 1500-2000 км. йўл тўла ва ўрта таъмирланмоқда.

— Йўллар мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувида муҳим роль ўйнайди, — дейди «Ўзавтойўл» ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Шокиржон Шералиев. — Шу боис ҳудудлар бўйлаб ўтувчи 20 та Халқаро транспорт йўлагига қирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишлари ҳажми тобора ошиб бораётёр. Хусусан, Навоий ва Ангрен логистика марказларининг барпо этилиши хорижий инвестицияларни йирик лойиҳаларга жалб қилиш учун қулайлик туғдирмоқда. Автомобиль йўлларини такомиллаштириш учун ҳар йили ўртача 600-700 млрд. сўм маблағ ажратилаётгани, миллий автомагистрал таркибига кирувчи халқаро транспорт йўлакларини жаҳон андозалари даражасида қайта қуриш учун Осие тараққиёт банки томонидан 600 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунга қарамастан, тизимда муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, баъзи ҳолларда таъмирланганига бир йил тўлмаган айрим йўлларнинг тезда ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолга келиб қолаётгани ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳақи эътирозлари-

Қадим юртнинг янги йўллари

Маълумки, миллий иқтисодиёт ривожини турли инфратузилмалар ўртасидаги йўл-коммуникация тизимлари ва уларнинг иш самарадорлигига боғлиқдир




га сабаб бўлмоқда. Хўш, бунинг сабаблари нимада?

— Йўлларнинг техник ҳолатини талаб даражасида сақлаб туриш учун 13 та худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, 8 та минтақавий, халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўлларнинг техник соғлигини таъминлаш учун махсус ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси, 161 та йўл хўжалиги, пудрат-таъмирлаш корхоналари фаолият кўрсатаёпти, — дейди «Ўзавтойўл» компаниясининг Йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиги Воҳид Аъзамов. — Йўлларни таъмирлаш одат-яроқсиз ҳолга келиб қолаётгани ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳақи эътирозлари-

кўнгилдагидек бўлмай қолиши мумкин. Компаниямиз раҳбарияти томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, йўлсозлик мамлакат тараққиётида алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам соҳа мутасаддилари Президентимизнинг «2009-2014 йилларда ўзбек миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбек миллий автомагистрал бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни

жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Бундан кўзланган мақсад жойларда замонавий йўлсозликни янада такомиллаштиришдан иборатдир.



Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида Андижон вилоят прокуратураси ҳам «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда

Жумладан, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш, руҳсатномалар олиш, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига оид турли кўринишдаги тўсқинликлар ва сансалорлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган назорат тadbирлари шулар жумласидандир. Айни пайтда вилоятда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 50437 та хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг 32481 тасини кичик бизнес вакиллари ташкил этади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, тadbиркорлик субъектларининг иқтисодиётимиздаги мустақкам ўрнига қарамай, айрим мансабдор шахслар, ҳатто баъзи бир маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар қонун талабларини унутиб, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига сунъий қаршиликлар яратмоқдалар.

Бир мисол. Марҳамат туманидаги «Марҳаматсут» хусусий корхонаси раҳбари Д.Бегматов СВОЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармасига мурожаат этиб, «Андижон ўштутсанот» вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси А.Сирожиддинов корхонани бирлашма аъзоси сифатида рўйхатга олиш эвазига ундан 3000 АҚШ доллари миқдорига пара талаб қилаётганини маълум қилади.

Ушбу ариза бўйича департаментнинг вилоят бошқармаси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тadbирда А.Сирожиддинов «60 Н 490 ВА» давлат белгилли «Тико» русумли автомашинада Д.Бегматовдан 600 АҚШ долларини пара тариқасида олаётган вақтда ушланган. Емоқнинг қусмоғи бор, албатта. А.Сирожиддиновга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

Тadbиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари қошида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» жуда қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Буни Олтинқўл туманидаги «Абдумутал-лаззат» хусусий корхонаси раҳбари М.Умрзоқовнинг мурожаати бўйича ўтказилган текшириш якунлари ҳам кўрсатди. Аниқлинишича, туман энергосотиш бўлими абонентларга хизмат кўрсатиш муҳандиси Ш.Аскаров электр энергияси таъминотида фойдаланишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш эвазига корхона раҳбаридан 100 АҚШ доллари ва 200 минг сўм миқдоридagi пулни пара тариқасида олиб, 1445-94-сонли аслида қалбаки тўлов дафтарчаси ёзиб берган. Натижада текшириш қунига қадар тadbиркорнинг 1 млн. 260 минг сўм миқдоридagi электр энергиясидан ноқонуний тарзда фойдаланишига ва электр энергияси учун 752 минг сўм ортиқча маблағ сарфланишига сабабчи бўлган.

«Ишонч телефони»га мурожаатдан кейин туман прокурори қарори асосида ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «в» банди билан Ш.Аскаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилиб, ҳозирда судда кўрилмоқда.

Андижон шаҳридаги «Равшан» хусусий корхонаси раҳбари А.Солиев ҳам «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари корхона ҳудудидagi майдон учун далолатнома расмийлаштириб беришни пайсалга солаётганликларини билдирган эди. Текшириш натижаларига кўра, шаҳар прокурори қарорига асосан Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси А.Хошимовга нисбатан Жиноят кодексининг 144-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатаётган тadbиркор Р.Уринбоевнинг шикоятга эса таъмиргиллик билан боғлиқ бўлиб чиқди. Шаҳар инкассация бўлими инкассатори Д.Исмаилов 2011 йил 29 майда тadbиркор дўконига хизмат кўйишда келиб, уйда қурилиш қилаётганини таъкидлаб, 250 донна шифернинг ҳар бирига 12900 сўмдан пул беришини айтиб олиб кетди. Лекин у сўзида турмайди. Шаҳар прокурори қарори билан Д.Исмаиловга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми асосида жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

Айрим ҳолларда ҳатто маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам қонунга зид қарорлар қабул қилиниши оқибатида тadbиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Масалан, Марҳамат тумани ҳокими қарори билан Ш.Жабборовга маиший хизмат биноси қуриш учун ажратилган ер майдонининг бир қисми асоссиз равишда фуқаро Т.Сайфутдиновга бириктириб қўйилгани аниқланган, туман ҳокимлигига протест киритилиб, Ш.Жабборовга тегишли бўлган ер майдони қайтариб берилди.

Шунингдек, Асака туманидаги «Асака бўрдоқчилик» хусусий корхонаси учун ажратилган 93 гектар ер майдони ҳоким қарори бўйича ноқонуний равишда олиб қўйилган. Пркурор протести асосида ушбу қарор ҳам бекор қилиниб, тегишли ер майдони тadbиркорга қайтарилди.

Умуман, вилоятда тadbиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши, қонуний манфаатлари тўла ҳимоя қилиниши учун барча имкониятлар ишга солиномоқда. Зеро, ижтимоий адолат бўлган жойдагина тараққиёт жадаллашиб, халқ фаровонлиги янада ошади. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

Бош прокуратура матбуот хизмати

Хўш, тadbиркор ва ишбармонлар! ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРАНИНГ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРАКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятинингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзасига келса, сизга иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улughбек тумани, Қорасу-6 даҳаси 19-Г қў. Тел.: 8 (371) 265 80 48; 265 73 17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

БАНК ТИЗИМИ



31 (403)-СОН

2011 йил 4 август,
пайшанбаe-mail:
axborotXXlasr@yahoo.com

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида банк-молия муассасалари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Улар шунинг ҳисобга олиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга интиляптилар. Хусусан, жойларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланаётгани кутилган самараларни бермоқда

Хусусий сектор таянчи

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий таянчига айланиб бораётгани учун ҳам мазкур соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Очк акциядорлик-тижорат «Ипотека банк» ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан биридир. Айтиш мумкин, банк ўзининг 37 та филиали ва 128 та мини-банк орқали қарийб 69 мингдан зиёд кичик бизнес субъектларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнатга ижодий ёндашув, касбга садоқат жамоанинг асосий шioriга айланган, десак, асло хато бўлмайди. Шу тўғрисида йўллар салмоғи кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 376 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, унинг 167,7 млрд. сўми хусусий сектор вакиллари молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ушбу сармоялар иқтисодиётнинг турли тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, саноатни ривожлантириш учун 31,3 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 10,6 млрд. сўм, савдо-воситачилик фаолияти учун 50,2 млрд. сўм, қурилиш бунёдкорлик ишларига 24,4 млрд. сўм, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси учун 28,3 млрд. сўм миқдорда ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантиришга 22,8 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Биргина кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш эвазига 4145 киши иш билан банд этилди. Банк томонидан микрокредитлар масаласига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Жорий йилнинг айтиш даврига тадбиркорларга 36,2 млрд. сўм миқдорда микрокредит берилгани фикримиз далилидир.

Шунингдек, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг юқори технологияли инновацион лойиҳаларини молиялаштиришга мўлжалланган имтиёзли кредит мажуси ҳам қўллаб-қувватлашга 6,5 млрд. сўмга оширилди ва ҳозиргача миқдорларга 1400 млн. сўм кредит ажратилди. Масалан, «Хўжа овул» фермер хўжалигининг чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаси муваффақиятли, деб топилди, унга 99,5 млн. сўм кредит берилди. «Қурама-Восток» хусусий корхонасининг мажуси кийим ва ҳимоя воситалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ 99 млн. сўм миқдордаги лойиҳаси ҳам ўз вақтида молиялаштирилди. Банкнинг фаолият доираси тобора кенгаймоқда. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан шуғулланувчи миқдорлар ҳам унинг моддий ёрдамидан баҳраманд. Ана шу мақсадда 28,1 млрд. сўм миқдорда сармоя ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, банк миқдорларининг асосий қисмини кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар ташкил этади. Улар орасида хотин-қизлар ҳам оз эмас. Жорий йилда 708 нафар тадбиркор аёл «Ипотека бан-



к»нинг 16,2 млрд. сўм миқдордаги кредитига эга бўлди. Бунинг ҳисобига 536 та янги иш ўрни яратилди. Катта ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш банк жамоасининг эзгу мақсадларидан биридир. Жумладан, жорий йилнинг ўзига 201 та ёш оилага 2,2 млрд. сўм миқдорда микрокредит ажратилди. Банк томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилган сармоя миқдори эса 999 млн. сўмдан зиёддир.

Тадбиркорлик соҳасига эндигина кириб келаёт-

ган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Уларга имтиёзли кредит ажратиш бўйича янги хизмат турлари жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтган олти ой давомида ёш ишбилармонлар учун 610 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Ушбу сармоя иш кўзи-ни билдирган ёшлар учун нафақат ўз бизнес фаолиятларини йўлга қўйишлари, балки муваққат ҳаётда муносиб ўрин галлашларида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида озиқ-овқат муаммоси тобора жиддий тус олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай шароитда юртимиз ички истеъмол бозорини ўзимизда қадокланган маҳсулотлар билан тўлдириш долзарб аҳамият касб этади, албатта. Жорий йилда биз сўз юритаётган банк томонидан озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун жами 70,1 млрд. сўм сармоя йўналтирилди. Жумладан, банк миқдорлари — «EKOPLAST SYSTEMS» корхонаси 4,1 млрд. сўмлик кредит эвазига шприц тайёрлашга

мўлжалланган замонавий ускуна харид қилган бўлса, «Макровит» хусусий фирмаси 450 млн. сўм миқдордаги сармоя эвазига гўшт ва сутни қайта ишлайдиган ускуна сотиб олди.

Умуман, очк акциядорлик-тижорат «Ипотека банк» жамоаси ишга ижобий ёндашиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Келгусидаги асосий мақсадлардан бири миқдорлар аудиториясини янада кенгайтиришдир. Бу борада мавжуд ички имкониятлар тўла сафарбар этилмоқда.

Қарийб йигирма йиллик тарихимизга назар ташласак, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида оламшумул ютуқларга эришилганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз

Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган иқтисодий-молиявий барқарорлик билан боғлиқдир. Зеро, ислохотларнинг ҳозирги босқичида пул-кредит сиёсатини оқилона йўлга қўймай туриб, қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ айтиш масаласига давлат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда.

Юқоридаги фикрларнинг амалий исботини очк акциядорлик-тижорат «Туронбанк» мисолида ҳам кўриш мумкин. Жойларда тадбиркорликни йўлга қўйиш, янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот ҳажми ҳамда сифатини ошириш, тармоқда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда унинг молиявий иштироки йил сайин кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айтиш пайтда ушбу банк республика миқдорларининг деярли барча ҳудудларини қамраб олган, десак, муболага бўлмайди. Жумладан, вилоятларда унинг 15 та филиали ва 30 та мини-банк фаолият юртимокда. Турли молиявий хизматлар эвазига ҳудудларда минг-миглаб қўшимча иш ўринлари яратилиб, шу орқали аҳоли даромадларини ошириш ва моддий фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Маълумки, юртимизда мулкнинг дахлсизлиги қонун билан муштаҳамланган. Ўтган қисқа давр мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, мулкдорлар учун қўшимча солиқ имтиёзларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ташки бозорларга чиқиш ва зарур ресурсларга эга бўлишлари билан боғлиқ имкониятларини кенгайтириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан қўллаб хай-

рли ишлар амалга оширилдики, бунга фақат ҳавас қилса арзийди. Изланишлар, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Агар 2000 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Ҳозирда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан кўпроғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилапти.

Барча молия муассасалари каби «Туронбанк» ҳам иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиб, намунали хизматлари билан миқдорлар ишончини қозонмоқда. Энг муҳими, ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун яхши манфаат келтираётди. Бугунги кунли рақобат шароитида эришилган натижалар билан қаноатланиб бўлмагани ўз-ўзидан аён, албатта. Банк жамоаси шунинг назарда тутиб, жорий йилда ҳам кредит маблағларини мақсадли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга йўналтириш, омонатчилар сафини кенгайтириш, уларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш чораларини кўраётди.

Бухоро вилоятида банкнинг доимий миқдорлари кўпчилигини ташкил этади. «Бухоро тонг» хусусий корхонаси шулардан биридир. Корхона раҳбарияти қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўлга қўйиш учун «Туронбанк»нинг вилоят филиалига 150 млн. сўм кредит ажратишни сўраб, мурожаат этган эди. Молия муассасаси вакиллари таклиф этилган бизнес-режа билан атрафлича танишиб чиққач, ушбу талабни ўз вақтида қондирилди. Шунингдек, «Нозир интер сервис люкс» хусусий корхонасига ҳам 300 млн. сўм кредит ажратилди. Ҳозирги пайтда банк сармояси ҳисобига корхонада керамик плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дехқон ва фермер хўжалиқлари республика миқдорларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

қишлоқ мулкдорларининг куч-гайрати ва савий-ҳаракатига боғлиқдир. Молия муассасалари шунинг ҳисобга олиб, ер соҳибларига том маънода амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Жумладан, «Туронбанк»нинг Қашқадарё филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари эвазига Миришкор туманидаги 7 та фермер хўжалиги иш унумдорлиги юқори бўлган замонавий комбайнларга эга бўлди. Шунингдек, Нишон туманидаги «Йўлдош ота» фермер хўжалиги, Миришкор туманидаги «Сичонқул мўъжизаси» кичик корхона ҳам банкнинг молиявий мададига таяниб, чорвачилик ва паррандачиликни янада ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Натижада 94 та янги иш ўрни яратилди.

Банкнинг Қарши филиали томонидан шаҳарнинг савдо нуқталари ва бошқа гавжун ҳудудларида 130 дан ортик мажус терминаллар ўрнатилган бўлиб, улар орқали 20 мингдан зиёд пластик картонча эгаларига хизмат кўрсатилмоқда. Айтиш жоизда уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда коммунал тўловларни қабул қилиш ҳам йўлга қўйилган.

2011 йил 1 июнь ҳолатига қўра, ОАТ «Туронбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2 млрд. 882,9 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига 138 та қўшимча иш ўрни яратилди. Банк таклиф этаётган замонавий хизмат турлари, жумладан, тўловларни электрон тарзда амалга оширишга мўлжалланган «SMS-Banking», «Internet-Banking» хизматлари, «Золотая Корона» ва «Money Gram» халқаро пул ўтказмалари миқдорларига жуда қўл келмоқда.

Хулоса қилиб шунинг айтиш мумкинки, бугун мазкур банк жамоаси белгиланган режаларни тўла рўёбга чиқариш, хизмат сифати ва маданиятини ошириш, давр талабларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар!
Тижорат банклари томонидан банк хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя этилмаглик ҳолатларига йўл қўйилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки унинг ҳудудий Бош бошқармаларида мунтазам ишлаб келаётган «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»га

қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Мутахассислар томонидан Сизнинг мурожаатингиз қисқа муддатда кўриб чиқилиб, уларда кўтарилган масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилади.

«Ишонч телефонлари»нинг рақамлари:

1	Марказий банкнинг республика аппарати	(8 371)	212-61-95, 212-61-96
2	Қорақалпоғистон Республикаси	(8 361)	224-12-02
3	Андижон вилояти	(8 374)	224-45-97
4	Бухоро вилояти	(8 365)	223-01-32
5	Жиззах вилояти	(8 372)	226-28-38
6	Қашқадарё вилояти	(8 375)	221-11-32
7	Навоий вилояти	(8 436)	226-10-97
8	Наманган вилояти	(8 369)	226-41-11
9	Самарқанд вилояти	(8 366)	231-08-69
10	Сурхондарё вилояти	(8 376)	227-52-71
11	Сирдарё вилояти	(8 367)	228-74-28
12	Тошкент вилояти	(8 371)	244-73-25
13	Фарғона вилояти	(8 373)	224-09-38
14	Хоразм вилояти	(8 362)	226-18-95
15	Тошкент шаҳри	(8 371)	212-62-58

Шунингдек, Интернет орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин: webmaster@cbu.uz, info@cbu.uz
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Норвегиянинг «11 сентябри»

Маълумотларга кўра, бугун дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилоти бўлиб, улар содир этаётган хунрезликлар оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони бир неча ўн минг нафарни ташкил этаётгани тинчлик ва хотиржамликнинг қанчалар қадрли неъмат эканини англатади

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Айни пайтда терроризмнинг бир томондан — тобора шафқатсизроқ файриинсоний моҳияти, иккинчи томондан, ақлга сифдириш қийин бўлган жуғрофий кўлам касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир кўркувга солиш орқали муайян мақсадларга эришишни кўзлаган кўпуровчилик ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 22 июлида Ослодаги ҳукумат биноси ортида содир этилган террорчилик ҳаракати жаҳоннинг энг осойишта ва барқарор мамлакатларидан бири ҳам террор балосидан ҳимоя этилмаганининг исботи бўлди. Маҳаллий ОАВ ва жамоатчилик юз берган ҳодисани Норвегиянинг «11 сентябри» дея аташга улгурмаёқ, икки соатдан кейин соҳил бўйида одамларга қарата ўқ узилиши пойтахтда юз берган портлаш машъум воқеаларнинг ибтидоси эканини кўрсатиб қўйди.

Полиция ҳукумат уйи яқинида қандай ҳодиса юз берганини аниқлашга улгурмай, ахборот агентликлари қуролли кимса Утоя оролида ёшларга ҳужум уюштиргани борасида хабар тарқатди. Маълумотларга кўра, ҳар икки кўпуровчилик оқибатида қарийб 90 киши ҳалок бўлган.

Маълум бўлишича, террорчиликни содир этишда айбланаётган 32 ёшли Андерс Беринг Брейвик (Anders Behring Breivik) ўта ўнг қанотдаги радикал миллатчи ғоялар тарафдори бўлиб, мусулмонларнинг Европада ўрнашишларига қарши фикрларни ёқлаб келган.

— Инсон ақлига сифмайди-ган бундай хунрезликни Норвегия иккинчи жаҳон уруши

даврдан буён билмасди, — дейди мамлакат бош вазири Йенс Столтенберг.

Айни пайтда расмийлар аҳоли ва жаҳон ҳамжамиятини террорчилик амалиётлари мамлакатни танлаган демократик йўлдан қайтаролмаслигига ишонтариб, ҳар қандай миллатчи радикал кучлар қатъий назоратга олина-жагига сўз бермоқдалар.

Ослода содир этилган террорчилик хуржларида айбланаётган Норвегия фуқароси Андерс Беринг Брейвикнинг адвокати Гейр Липпстад Брейвикнинг мазкур қилмишларини адолатли, деб ҳисоблайди. Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, Breivik Geofarm қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фермаси директори вазифасида ишлаган Брейвик ўнг Христиан экстремист гуруҳига мансуб бўлиб, мультимедиянинг ва Ислам ғояларига қарши ҳамда Европада мусулмонлар сони ортиб бораётганидан қаттиқ норози бўлган шахслардан.

Aftenposten нашрининг ёзишича, Брейвик 1981-1996 йилларда Норвегия Бош вазири бўлган Ишчилар партияси етакчиси Ҳарлем Брунтландни Европада мусулмонларнинг кўпайишига олиб келувчи сиёсатни бошлаганликда айбдор, деб билгани учун уни ўлдириш ниятида жума куни нуфус сўлаши қутилган Утоя оролига борган. Аммо Брунтланд хоним Брейвик келгунига қадар оролни тарк этган эди. Маълум бўлишича, 4,8 миллионли нуфусга эга Норвегияда 1995 йилдан 2005 йилгача муҳожира сони уч мартага кўпайиб, деярли ярим миллионга етган.

Европада мусулмонлар сонининг шиддат билан ўсиб бораётгани қитъадаги барча экстремистик ташкилотларни ғазаблантираётгани бор гап. Масалан, Францияда (5-7 млн.) мусулмонлар катликларидан кейинги икин-

чи ўринни эгаллаб турибди. Кўп сонли мусулмон жамоалари Германияда (4 млн.), Англияда (1,7 млн.), Италия ва Голландияда (1 млн.дан) ҳам яшамоқда. Умуман олганда, бугунги кунда Ғарбий Европада мусулмонлар яшамайдиган бирорта мамлакат қолмади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ғарбий Европада кўнин топан мусулмонларнинг аниқ сонини ҳеч ким билмайди. Чунки бу ерда расмий муҳожира ва уларнинг авлодлари билан бир қаторда статистик маълумотларга киритилмаган миллионлаб муҳожиралик истикомат киладилар. Турли ҳисоб-китобларга кўра, кўна қитъада яшовчи мусулмонлар сони ҳозирда 15 миллиондан 24 миллионгача бўлиши мумкин. Демографларнинг айтишича, 2015 йилга келиб, бу ерда яшаётган мусулмонлар сони икки бараварга ортади. Туғилиш даражасининг юқорилиги ҳамда Шимолий Африка ва Яқин Шарқдан ёппасига кўчиб келаётган муҳожираликнинг кўпайиб бораётгани бунинг бош сабаби қилиб кўрсатилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлардан келаётган муҳожираликнинг улкан оқими натижасида Европа давлатларининг аҳолиси этник ҳамда диний жиҳатдан хилма-хил бўлиб кетди ва миллий давлат ҳудудиди ягона фуқаролик миллатини барпо этишнинг европача модели иш бермай қолди. Натижада Ғарбий Европанинг айрим давлатларида кўпмаданиятлик, кўпдинли, яқиндан бошлаб эса бир неча тилли ҳам-жамиятлар барпо этиш концепциялари юзага кела бошлади.

Туб европолик оилаларда фарзандларнинг камлиги ва аънавий оилавий қадриятлар инқирозга учраган шароитда мусулмон оилаларнинг серфарзандлиги айрим си-



ёсий кучларни ҳам ташвишга солаётгани бор гап. Ғарбий Европада туб аҳоли сони камайиб бораётганлигига фарзанд кўришдан онгли равишда воз кечиш ҳам сабаб бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Чунки туб аҳолининг аксарияти болалар хизмат пиллаполярлардан кўтарилиш, шунингдек, беташвиш ва бемалол ҳаёт кечиршига ҳалақит беради, деб ҳисоблайдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли сонининг табиий ўсишини таъминлаш учун ўртача туғилиш даражаси 2,1 нафар болани ташкил қилиши

керак. Бироқ Европа аёллари ўртача 1,4 нафар фарзанд кўрмоқдалар, холос. Юзага келаётган демографик бўшлиқни эса муҳожиралик тўлдиришмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, миллатчи партияларнинг уларга нисбатан нафратини ошираяпти. Бундан ташқари, маҳаллий ва халқаро ОАВ мусулмон мамлакатлардаги террорчилик ҳаракатларини бўрттириб, ноҳолис ахборот тарқатаётганликлари ҳам мусулмонларга нисбатан турлича қарашларни юзага келтираяпти.

Энг ёмони, экстремистик ташкилотлар фаолиятига

етарли эътибор берилмагани туфайли Европада Брейвик кабиларнинг издошлари бўлмиш 80 га яқин махфий ячейка иш олиб бораётгани, Брейвикнинг ўзи 2002 йили Лондонга ташриф буюргани ва Буюк Британиянинг ўта ўнг қанот Мудофаа Лигаси билан алоқага киришганини даъво қилаётгани эса қитъа жамоатчилигини сергаклантирса, ажаб эмас.

Нима бўлганда ҳам халқаро терроризм таҳдидини бартафат этиш ўта жиддий масала бўлиб, олиб борилаётган амалий ҳаракатларнинг самараси кўп жиҳатдан жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг

ўзаро ҳамкорлиги ва ишончига боғлиқдир.

Хулоса ўрнида алоҳида қайд этиш лозимки, тинчлик инсонпарвар ва бағрикенг халқимизнинг тили ва дилидан мустаҳкам жой олган энг олий қадрият ҳисобланади. Халқимиз ўз уйида ҳам, дунёнинг бундай алоҳида қадриятини мустаҳкам жой олган энг олий қадрият ҳисобланади. Халқимиз ўз уйида ҳам, дунёнинг бундай алоҳида қадриятини мустаҳкам жой олган энг олий қадрият ҳисобланади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "... юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл — барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз".

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

Араблар кўкка интилмоқдалар

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида дунёдаги энг баланд — 1100 метрлик бинонинг бунёд этилиши ржалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу бинода меҳмонхона, офислар ва яшаш хоналари жойлашади. Умумий майдони бир неча минг квадрат километрни ташкил этадиган янги иморатнинг қурилишига 1,2 млрд. АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, айни вақтда дунёдаги энг баланд бинолар рўйхатини бошқариб турган БААдаги Бурж-Халифа кошоноси иккинчи ўринга тушиб қолади. Унинг баландлиги 818 метрдир.

Муаллифлик ҳуқуқи бекор қилинди...ми?



Хабарларга қараганда, Буюк Британия ҳукумати дисклардаги мусиқа ёки кинофильмларни ноқонуний тарзда нусха кўчириб тарқатиш тўғрисидаги чекловни бекор қилди. Ҳукумат вакиллари фикрича, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги эски қонунни янгилаш зарурати туғилган. The Daily Telegraph аеғнтлигининг таъкидлашича, ушбу ислохотдан мақсад, яъни дисклардан нусха кўчиришга рухсат бериб, ҳукумат тармоқли медиа ресурсларини ривожлантириш ва бюджетга миллионлаб фунт фойда келтиришни кўзламоқда. Таъкидлаш жоиз: бу каби лойиҳалар аввал ҳам Google ва Amazon каби йирик компаниялар томонидан амалга оширилган. Бир гуруҳ танқидчилар агар мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, мамлакатдаги санъаткорлар ва ижод аҳлининг ҳуқуқлари поймол этилишидан хавфсизламоқдалар.

Открытый акционерно-коммерческий банк «Узпромстройбанк» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС ПО ЗАКУПКЕ

Пластиковых карточек
● VISA Electron — 50000 штук

ТАБЛИЦА ТЕХНИЧЕСКИХ ТРЕБОВАНИЙ НА ПРИОБРЕТЕНИЕ ПЛАСТИКОВЫХ КАРТОЧЕК:

№	Наименование товара	Требования к характеристике
1.	Пластиковые карточки с Пин-конвертами: Карточки с утвержденным дизайном «Узпромстройбанка»: - Visa Electron	Сертифицированный платежными системами Visa и MasterCard; Поддержка дополнительных неплатежных приложений; Поддержка SDA и DDA; Поддержка Issuer script хоста; 1. Compliance - ISO 7816, EMV 2000 version 4.0, Java CardTM 2.2, Global Platform Card Specification 2.1.1; - Data Encryption Standard (DES) and/ Triple DES - Contact interface with T = 0 (Default) and T = 1 protocols according to ISO/IEC 7816-3 2. ROMed applications VSDC 2.7.1. 3. Supported features DES & 3DES, RSA, OBKG, SHA1 & MD5

Спецификация чип-модуля Jcop20/10 VSDC 2.7.1:

- Global Platform Card Specification 2.1.1
- VISA Global Platform 2.1.1 Card with Configuration 3
- Data Encryption Standard (DES) and/Triple DES
- RSA
- Contact interface with T = 0 (Default) and T = 1 protocols according to ISO/IEC 7816-3

Подробную информацию по конкурсу Вы можете получить по следующему адресу:

г. Ташкент, ул. Шахрисабзская 3,
Тел: 120-45-56, 120-45-03. Факс: 120-45-60.
Внутренний номер: 32-23, 30-63

Оплата будет осуществляться банком в пользу резидентов Республики Узбекистан по факту поставки товара на склад покупателя, а в пользу нерезидентов Республики Узбекистан аккредитивом по условию поставки CIP TASHKENT. Ваши коммерческие предложения с указанными ценами, сроками поставки и гарантийными сроками должны быть в запечатанном конверте с печатью Вашей организации на нем.

Коммерческие предложения принимаются до 12 августа 2011 года.



XXI ASR
Ijtimoiy siyosiy gazeta

Газетхонларимиз диққатига!
«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг янгиланган сайти ишга туширилганини маълум қиламиз. Веб-сайтга www.21asr.uz манзили орқали ташриф буюришингиз мумкин.

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Жак Роггенинг таклифномалари

Куни кеча Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Жак Рогге мазкур ташкилотта аъзо бўлган барча мамлакатлар миллий олимпия кўмиталарига «Лондон-2012» ўйинларининг таклифномасини жўнатди. «Халқаро Олимпия кўмитаси Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасини 2012 йилнинг 27 июлидан 12 августга қадар Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX Олимпия ўйинларига таклиф этади», дейилади жаноб Роггенинг имзоси билан келган таклифномада. Шу ўринда ўтган ҳафта, аниқроғи — 27 июль куни Лондоннинг Трафальгар майдонда Олимпияда очилишига бир йил қолиши муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этилганини айтиб ўтиш жоиз.



«Smart market»га марҳамат қилинг

«Korzinka.uz» супермаркетлар тармоғи «Smart» бренди остида ихчам дўконлар тизимини ишга тушира бошлади. Компания сайтида хабар қилинишича, харидорлар таклифини ўрганиб чиққан «Korzinka.uz» мутахассислари катта (1000 м.кв. ҳажмдаги ва ундан йирик) супермаркетларнинг «қадами етмаган» жойларга мўъжаз (300-350 м.кв.) савдо нуқталарини очишга қарор қилган.

«Asl оуна»нинг шаффоф маҳсулоти

Марказий Осиёда ойна ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан бири — «Asl Оуна» ОАЖда жорий йилнинг июль ойида кварц куми ва доломит (минерал тоғ жинси)ни бойитадиган цех ишга туширилди. Маълумотларга кўра, янги технология низолатда шаффоф ойна ишлаб чиқариш ва бир қанча маҳаллий корхоналарни юқори сифатли қайта ишланган кварц ва доломит билан таъминлаш имконини бермоқда. Икки йил муқаддам фаолият кўрсата бошлаган мазкур корхонада эндиликда 100 хил турдаги ойна идишлари ишлаб чиқарилаётир.

Тошкент — Осиё чемпионати мезбони

Осиё Каратэ федерацияси (AKF) конгресси қарорига мувофиқ, 2012 йилги қитъа чемпионати Марказий Осиё ҳудудда илк бор Ўзбекистонда ўтказиладиган бўлди

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази матбуот хизматидан хабар қилинишича, ўтган ҳафта Хитойда бўлиб ўтган навбатдаги Осиё биринчилиги доирасида ташкил этилган конгрессда 2012 йилги қитъа чемпионати мезбонлигини Ўзбекистонга бериш таклифи федерацияга аъзо 11 та мамлакат томонидан қўллаб-қувватланган.

— Ушбу чемпионатни қабул қилиш мақсадида АКФга Макао, Филиппин ва Малайзия мамлакатлари ҳам ариза берганди, — дейди Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси матбуот котиби Анвар Муҳамедов. — Овоз бериш жараёнида кенгаш аъзоларининг аксарияти Ўзбекистонни танлади.

Мусобақани 2012 йилнинг июль ойида пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» мажмуасида ўтказиш режалаштирилмоқда. Барча вазн ва йўналишлар тоифасида, яъни ўсмирлар, ёшлар ва катталар, шунингдек, эркаклар ҳамда аёллар ўртасида бўлиб ўтадиган чемпионатга 45 мамлакатдан 1000 нафарга яқин спортчи ташриф буюриши, турнир доирасида ҳакамлар ва мураб-



бийлар учун махсус семинарлар ташкил этилиши кутилмоқда. Шу ўринда Жаҳон каратэ федерацияси (WKF) ташаббуси билан Чин юртида ташкил этилган чемпионатда икки нафар ҳамюртимиз совриндор

бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу беллашувларда ҳамюртимиз Рустам Ашуров оғир вазн тоифасида ўтказилган баҳслар якунига кўра кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Доҳада ўтказилган Осиё ўйинлари ғолиби

Сафия Каспўлатовага «бронза» насиб этди. Терма жамоамиз мурраббийи Фозил Худойназаров эса ўзбекистонлик ҳакамлар орасида биринчи бўлиб WKF тоифаси бўйича халқаро ҳакам унвонини қўлга киритди.

5,5 минг дона «сотка»нинг «овози ўчирилди»

Ҳаётимиз мазмунига айланиб улгурган уяли алоқа воситалари дунёнинг кўплаб мамлакатларида ноқонуний тарзда ишлаб чиқарилишини ҳамма ҳам билвермас керак. Афсуски, ана шундай қалбаки, сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган маҳсулотларни юртимизга олиб кириб, мўмай даромад орттиришни мақсад қилган шахслар ҳам учраб турибди. Яқинда божхона ходимлари фуқаро Р.Долимовни пойтахт аэропортида қиймати 8,6 млн. сўмга тенг бўлган 3 турдаги 14 дона мобил телефонни олиб ўтмоқчи бўлганида қўлга олдилар. Соҳа вакиллари томонидан олиб борилган тезкор текширувлар натижасида самарқандлик И.Жалилов ва А.Расуловнинг 27 турдаги 417 дона уяли телефонни хуфёна пулламоқчи эканлиги аниқланди. Ҳозирда мазкур иш юзасидан суриштирув олиб борилмоқда. Умуман олганда, жорий йилнинг биринчи ярмида 236 нафар соткафуруш қўлга олинган ва қиймати 852 млн. сўмдан ортик салкам 5,5 минг дона мобил телефоннинг мамлакатимизга ноқонуний кириб келишига чек қўйилган.

Кубок учун кураш қизгин

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида чорак финал ва ярим финалнинг дастлабки учрашувлари ўтказилди. Кубок соҳибига келаси мавсумда Осиё чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши беллашувларнинг қизгин ўтишини таъминламоқда. Мамлакат кубогининг амалдаги соҳибига — «Бунёдкор» футболчилари ярим финалнинг дастлабки учрашувида Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилди. Учрашувдаги ягона гол 74-дақиқада мезбон жамоа вакили Милош Трифунович томонидан киритилди. Жавоб ўйини 17 август куни Қарши шаҳрида ўтказилади. Ўзбекистон кубогини энг кўп — ўн мартаба қўлга киритган «Пахтакор» футболчилари чорак финалда «Нефтчи» жамоасига қарши майдонга тушди. Фарғонада ўтган дастлабки баҳсда галаба тошкентлик чарм тўп усталарига насиб этди. Биринчи бўлим якунлишини арафасида пенальтини аниқ бажарган Станислав Андреев «Пахтакор»га кичик ҳисобда галаба келтирди. Чорак финалнинг яна бир учрашуви Ўзгорда бўлди. Самарқанднинг «Динамо» жамоасини қабул қилган «Шўртан» футболчилари рақибдан ҳар томонлама устунигини намойиш этди. «Шўртан»га 4:0 ҳисобида галаба келтирган голлардан иккитаси Шаҳбоз Эркинов, қолганлари Игорь Таран ва Эммануэль Одибе ҳисобига ёзилди. «Динамо» жамоаси кейинги босқичга чиқиши учун Самарқандда ўтказиладиган жавоб ўйинида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолган ҳолда бешта тўп киритиши лозим. Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси



Чилла чиқётган ушбу ҳафтада республикаимизда иссиқ ва қуруқ об-ҳаво сақланиб туради. Фақат кейинги ҳафтининг дастлабки кунларидагина ҳаво ҳароратининг бироз пасайиши кутилмоқда. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 4-11 август кунлари мамлакатимизда ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбий шомол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳафта охиригача кечаси 18-23, кундузи 39-44, 8-9 август кунлари 32-37 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳафта охиригача ҳарорат кечаси 23-28, кундузи 39-44 даража иссиқни ташкил этса, душанба куни ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39 даражага тушиши кутилмоқда. Шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбий шомол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 37-42, 7-8 август кунлари кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 18-23, кундузи 5-7 август кунлари 39-44, 8-9 август кунлари эса 36-41 даражани қайд этади. Шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб буюриб, ёғингарчилик бўлмайди. Шомол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 19-24, кундузи 5-7 август кунлари 36-41, 8-9 август кунлари 33-38 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво бироз булутли бўлади. Шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 20-25, кундузи 5-7 августда 37-42, 8-9 август кунлари кечаси 17-22, кундузи 33-38 даражани қайд этади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Фарбий шомол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 5-7 августда 15-20, кундузи 29-34, 8-9 август кунлари кечаси 13-18, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.


Фермерларга байрам тўғриси

Пойтахтимиздаги «O'zKeysTraktor» АКШ-Ўзбекистон қўшма корхонасида «New Holland TL 100» тракторининг тақдирини бўлиб ўтди. Икки йиллик тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижасида яратилган мазкур трактор Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида фермерларга катта совға бўлди. Юртимиз шароитларидан келиб чиққан ҳолда ерларни шудгорлаш, экинларни чопик қилиш, уларга ишлов бериш, озуқа тайёрлаш, ўриш ва транспорт мақсадларида фойдаланиш учун универсал тракторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган барча эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг 36 фоизи маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани эътиборга молик. «O'zKeysTraktor» маҳсулотларининг ISO 9001 сифат тизими сертификатига эга эканлиги корхонага Марказий Осиё экспорт бозорига чиқиш имконини беради.



16 минг тонналик музлатгич тадбиркорлар хизматига шай

Тошкент шаҳрининг Сергели туманида янги логистика мажмуаси фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, «Алоқабанк» ОАТБ томонидан ажратилган инвестиция ҳисобига 25 йил «эгасиз ётган» 14 минг метр кв. майдонда барпо этилган — «Sergeli-Agrofresh» мажмуаси омборларида 10-16 минг тонна маҳсулотни сақлаш имкониятига эга замонавий музлатиш тизими ҳам ишга туширилди. Маълумотларга кўра, тўлиқ автоматлаштирилган совутиш ва ҳаво намлигини сақлаш технологияси билан жиҳозланган, бир вақтнинг ўзида 7 та рефрежераторли темирйўл вағони ҳамда 10 та катта ҳажмдаги юк автомобиллини қабул қила оладиган мажмуада узумни 3-6 ой, олма, пиёз, картошка каби мева ва сабзавотларни эса 8-9 ойгача сақлаш мумкин.



XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси
2011 йилга
обуна давом этмоқда
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80